

Ёзувчи Окилжон Хусанов 1932 йилнинт апредида Жиззах туманининг Равотлик кишлогида дехкон оиласида тугилган. Ўрта мактабни битиргач (1940—1949)ъ, Самарканд дорулфунунида (1949—1954) таълим олади. Сўнгра Самарканд вилоят газетаси «Ленин йўлида» мусахихликдан масъул котиб даражасигача бўлган лавозимга кўтарилади. 1960 йилда Тошкентга келгач, «Муштум» ойномасида адабий ходим, бўлим мудири, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатади. 1967 йилдан «Шарқ юлдузи» ойномасига ўтади ва у ерда то 1979 йилгача аввал бўлим мудири, сўнг эса масъул котиб бўлиб хизмат этади. 1980 йилдан то шу кунгача у «Гулистон» ойномасида турли лавозимлардан бош муҳаррир ўринбосари даражасигача ишни давом эттириб келади.

Окилжон Хусанов ижоди талабалик даврларидаёк бошланган бўлиб, шу кунгача унинг кўплаб шеърий, насрый асарлари, кисса ва романлари чоп этилди. Улар орасида «Кўшикчининг такдири» (1963), «Самарканд булбули», «Мехри дарёлар» (1971), «Бўлмагапга бўлишма» (1973), «Кашкар гўзали» (1976), «Тогда ўсган бола» (1975), «Тогда ўсган бола ёхуд жияпнинг янги саргузаштлари» (1980), «Сирли одам» (1980), «Булбулнинг гўшти» (1977), «Такилмаган узук» (1983), «Баҳт каерда» (1987), «Кишелокка саёҳат» (1988), «Учолса ҳам учолмаган турна» (1990), «Устанинг мухаббати» (1991) каби китоблари хамда «Гўрўғли киссаси» каби асарлари мавжуд. Ёзувчи мазкур асарларида покиза ва бегубор ёшлик кечинмаларидан, уларнинг ечилган ёхуд ечилмай колган орзу-армонларидан, мухаббат саргузаштларидан хикоя килади. Унинг кўп асарлари рус ва кардош халклар тилларида хам чоп этилган.

Ёзувчи 1982 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий увонига сазовор бўлган.